

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЧУТПУЛАТОВ МУХАММАД ЧАРИЕВИЧ**

**ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ГЕНДЕР ЛЕКСИКАСИНИНГ**  
**СЕМАНТИК ВА ЛИНГВОСТАТИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ**  
**ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
science**

**Чутпулатов Мухаммад Чариевич**

Инглиз, рус ва ўзбек тиллари гендер лексиканинг семантик ва  
лингвостатистик хусусиятларининг қиёсий таҳлили.....3

**Чутпулатов Мухаммад Чариевич**

Сопоставительный анализ семантических и лингвостатистических  
особенностей гендерной лексики английского, русского и узбекского  
языков.....25

**Chutpulatov Mukhammad Chariyevich**

Comparative analysis of semantic and linguostatistical  
features of the gender vocabulary of the English, Russian and Uzbek  
languages.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....52

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЧУТПУЛАТОВ МУХАММАД ЧАРИЕВИЧ**

**ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ГЕНДЕР ЛЕКСИКАСИНИНГ  
СЕМАНТИК ВА ЛИНГВОСТАТИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ  
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик  
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fil183 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (инглиз, рус, ўзбек (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасининг ахборот тармоғида ([www.ziyoNet.uz](http://www.ziyoNet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Джусупов Маханбет**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сафаров Шахриёр Сафарович**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Асқарова Шахноза Камолидиновна**  
филология фанлари номзоди, доцент.

**Етакчи ташкилот:**

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг << >> — 2021 йил соат — даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: [pauka@nuu.zu](mailto:pauka@nuu.zu). Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети, (1-қават, 112-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (– рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 400 уй Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Шереметьева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Н.Э. Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**И.А. Сиддиқова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослиги турли тиллар ўртасидаги алоқаларнинг лингвوماданий, этнолингвистик, психоллингвистик, прагмаллингвистик ва гендер тилшунослигининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омилларни белгилашни кун тартибига қўймоқда. Тилшуносликда антропологик парадигманинг ривожланиши жамиятнинг эркаклар ва аёлларга муносабати, шахснинг муайян жинсга алоқадор хулқи, эркаклар ва аёллар сифатлари ҳақидаги миллий-маданий хусусиятларга таянган стереотип тасаввурлар, яъни жинс муаммоларини нафақат биологик, балки ижтимоий-маданий аспектда кўриб чиқишни тақозо этади.

Дунё жамиятининг ривожланган давлатларида XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошида ижтимоий фанлар соҳаларида гендер муаммолари, хусусан гендер лингвистикасининг лексик бирликларнинг муайян жинсга тегишлилиги, турли тизимдаги тилларда гендерга оид лексиканинг қўлланилишида миллий-маданий хусусиятларни тадқиқ этиш долзарб тус олмоқда. Тилнинг маданиятлараро коммуникация объекти сифатида ўрганилиши, шунингдек, тил, маданият ва онгнинг ўзаро боғлиқлиги муаммолари тилшуносликда катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу муаммолар лингвوماданиятшунослик, когнитив ва гендер тилшунослигига оид тадқиқотларда ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, маданий ислоҳотлар олам лисоний манзарасида акс топаётган гендер хусусиятларининг илмий-амалий тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Гендер муносабатларини ўрганиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган, чунки гендер муаммоси маънавиятни юксалтириш, ўзликни англаш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини поймол этмаслик каби масалаларни ифодалайди. Зеро, «фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни ривожлантириш, мавжуд илмий мактабларни сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бунда иқтидорли ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш»<sup>1</sup> га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, гендер лексикасини фанлараро аспектда, хусусан, психоллингвистика, этнолингвистика, когнитив лингвистика, прагмаллингвистика фанлари билан ўзаро боғлиқликда тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони.  
[https://nrm.uz/contentf?doc=602358\\_&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=602358_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инсоннинг реал ҳаётида мавжуд бўлган жинсий диморфизм, одатда, аёллик (фемининлик) ва эркаклик (маскулинлик) гендер стереотиплари кесими орқали кўриб чиқилади. Бунда ҳар бир жинсга тегишли сифатлар йиғиндиси – жамоат ва индивидуал онгдаги эркак ва аёл ҳамда бошқа прототиплар намоён бўлади. Бинобарин, қатор ишлар мавжуд бўлишига қарамасдан, гендер ҳодисаси талқинида жуда кўп ечилмаган муаммолар бўлиб, уларни ўрганиш ва ҳал этиш, албатта, замонавий лингвистик йўналишларга оид маълумотларга мурожаат қилишни талаб этади. Хориж тилшунослари, хусусан, Робин Лакоффнинг ахлоқий моделларнинг алоҳида тизими сифатида ўрганишга бағишланган “Тил ва аёлнинг ўрни”<sup>2</sup> номли ижтимоий лингвистик иши алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу асар, ўз навбатида, М. Spender<sup>3</sup>, D.Tannen<sup>4</sup>, B.Thorne, Ch.Kramarae, N.Henley<sup>5</sup>, C. West<sup>6</sup>, A. Pauwels<sup>7</sup>, S. Reinhart<sup>8</sup>, D.Cameron<sup>9</sup> сингари олимлар тадқиқотларининг юзага келишига туртки берди. Мазкур илмий ишлар кўплаб изланишларга йўл очиб, жаҳон лингвистикаси тараққиёти сезиларли роль ўйнади. Натижада, гендерни ўрганишга нисбатан ҳар бир жамиятдаги ижтимоий-маданий ҳамда этномаданий меъёр ва қоидаларни аниқлашга асосланган янгича ёндашувлар таклиф этилди.

МДХ мамлакатлари олимларидан И.И.Халеева<sup>10</sup>, А.В.Кирилина<sup>11</sup>, М.В.

<sup>2</sup> Lakoff, R. Language and Woman's Place. Language in Society. – Vol. 2. – No. 1 (Apr., 1973). pp. 45-80.

<sup>3</sup> Spender, M. Man made language. Routledge and Kegan Paul. – London, 1985.

<sup>4</sup> Tannen, D. You Just Don't Understand. – N. Y.: Morrow, 1990.

<sup>5</sup> Thorne, B., Kramarae, Ch., Henley, N. Constructing and reconstructing gender. – NY, 1992.

<sup>6</sup> West, C. and Zimmerman, D.H. Gender, language and discourse/ handbook of discourse analysis. – Vol. 4. – 1985. – pp.103-124.

<sup>7</sup> Pauwels A. Women Changing Language. – London / New York: Longman, 1998.

<sup>8</sup> Reinhart S. Feminist methods in social research. – New York, Oxford Press, 1999.

<sup>9</sup> Cameron Deborah. Language, Gender and Sexuality: Current Issues and New Directions // Applied linguistics 26/4. OxfordUniversityPress, 2005. – PP.482-502.

<sup>10</sup>Халеева И.И.Гендер как интрига познания//Гендерный фактор в языке и языковое сознание. – Москва, 1999.

<sup>11</sup> Кирилина А.В. Гендер: лингвистические аспекты Текст.. – М.: Институт социологии РАН, 1999. – 180 с.

Томская<sup>12</sup>, А.В.Опарина<sup>13</sup>, Н.В.Вязигина<sup>14</sup>, А.Г.Фомин<sup>15</sup> ва бошқа муаллифларнинг тил ҳамда коммуникациянинг гендер хусусиятларини ўрганиш муаммолари, шунингдек, грамматик род категорияси ҳамда биологик ва ижтимоий жинс ғояси ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласи тадқиқ қилинган ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. А.А.Денисова<sup>16</sup> таҳрири остидаги “Гендер атамалари луғати”нинг дунёга келиши гендер соҳасида терминологик туркумлаш бўйича ишларни янги босқичга кўтарди.

Мамлакатимиз тилшунос олимлари ҳам гендер тилшунослигининг ўзига хос белгилари, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини изчил тадқиқ этишган. Жумладан, Д.У.Ашурова<sup>17</sup>, М.И.Расулова<sup>18</sup>, И.М.Тўхтасинов<sup>19</sup>, Н.З.Насруллаева<sup>20</sup>, Г.И.Эргашева<sup>21</sup>, О.Н.Калинина<sup>22</sup> ва бошқалар турли тизимга хос тиллар материалида монолингвал, билингвал ва полилингвал вазиятда ўтказилган лингвистик гендер тадқиқотлари ўрганилаётган тиллар тизими ҳақидаги билимларнинг янги даражасини, рус ва инглиз тилларини ўрганишдаги янги имкониятларни очиб беради. Гендер тадқиқотлари Ўзбекистонда жуда долзарб аҳамиятга эга бўлса-да, лекин уларда ёриталаётган мавзулар ҳозирча унчалик ранг-баранг эмас.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-204-4-5 рақамли «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси» мавзуси доирасида бажарилган.

<sup>12</sup> Кирилина А.В., Томская М.В. Лингвистические гендерные исследования // Отечественные записки. – Выпуск журнала № 2 (23), 2005. – С.47.

URL: <http://www.strana-oz.ru/2005/2/lingvisticheskie-gendernye-issledovaniya> (дата обращения: 15.12.2017)

<sup>13</sup> Опарина А.В. Вопросы Гендерологии. Мужественность и Женственность как культурные концепты гендерной лингвистики // Вестник Волжского университета им. В.Н. Татищева, 2011. URL КиберЛенинка: <https://cyberleninka.ru/article/n/voprosy-genderologii-muzhestvennost-i-zhenstvennost-kak-kulturnye-kontsepty-gendernoy-lingvistiki> (дата обращения: 19.12.2017).

<sup>14</sup> Вязигина Н.В. Гендерная лингвистика и диагностика пола как задача автороведческой экспертизы // Юрислингвистика. – № 2 (2013). – С.48-53.  
<http://journal.asu.ru/index.php/urisl/article/view/2135/1545> Last visited 21/10/2018

<sup>15</sup> Фомин А.Г. Психолингвистическая концепция моделирования гендерной языковой личности. – Москва-Кемерово, 2003.

<sup>16</sup> Словарь гендерных терминов. Редактор канд. филол. наук А.А. Денисова. – М.: Информация – XXI век, 2002. – 256 с.

<sup>17</sup> Ашурова Д.У. Гендерные факторы в стилистике // Замоначий тилшунослик ва хорижий тилларни ўқитишнинг долзарб масалари. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2008. – Б. 337-342.

<sup>18</sup> Расулова М.И. О гендерном аспекте актов наименования // Хорижий филология. – № 3. – Самарканд: 2011. – С. 81-86. Расулова М.И. Проблемы лексической категоризации в лингвистике: Дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1999.

<sup>19</sup> Тўхтасинов И.М. Бадий матндаги қўшма сўзларнинг лингвокультурологик ва гендер хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари материалида): фил.ф.н. автореферати. – Тошкент, 2011.

<sup>20</sup> Насруллаева Н.З. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептлари шаклланиши: фил.ф.д. диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 44-45 б.

<sup>21</sup> Ergasheva G.I. Applied Linguistics: Terminology and translation though gender discourse lens. – Tashkent: Navruz, 2018. – 154 p.

<sup>22</sup> Калинина О. Н. Ўзбекистонда гендер лингвистикаси муаммолари // Ёш олим-2016. – №11. – 1698-1700 б. – URL <https://moluch.ru/archive/115/30749/> (мувожаат қилинган сана: 30.04.2018).

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз, рус ва ўзбек тиллари гендер лексикасининг қиёсий-чоғиштира аспектда семантик ва лингвостатистик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

грамматик род категориясининг биологик ва ижтимоий жинс тушунчалари билан бўлган муносабати ҳамда мазкур грамматик категориянинг инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

инглиз, рус ва ўзбек лингвомаданий жамоаларида эркак ва аёл нутқидаги гендер чегаралар бузилишига асос бўладиган тарихий жараёнлар таҳлили, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш;

инглиз, рус ва ўзбек тилларида эркак ва аёл нутқида хос бўлган гендер лексикасида эмоционал омил роли ва унинг фаоллашув шартларини очиб бериш;

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги гендер лексикаси семантик хусусиятларини чоғиштира таҳлил қилиш;

инглиз, рус ва ўзбек тилларида бадиий матнларда гендер лексикаси воқеаланишининг лингвостатистик хусусиятларини чоғиштира очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги гендер лексикаси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги эркак ҳамда аёл нутқи гендер лексикасининг семантик ва лингвостатистик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда лингвистик тавсиф, қиёсий-чоғиштира, семантик-стилистик, компонент таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги гендерга оид лексиканинг семантик ва лингвостатистик хусусиятларини монолингвал ва лингвоконтрастив аспектда очиб бериш орқали қиёсланаётган тилларда гендер аспектининг намоён бўлиши унинг сифат ва миқдор белгиларига асосланиши далилланган;

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги гендерга хос нутқнинг демократлашуви аёллар нутқининг ўз табиий гендер хусусиятларини сақлаган ҳолда эркак нутқида яқинлашиши гендернинг “ижтимоий маҳсулот” сифатидаги конструктивизм ва интеракционизм концепциялари асосида юз бериши асосланган;

инглиз, рус ва ўзбек тиллари материали асосида беш хил лексиканинг (қисқартма-эркаловчи сўзлар/мурожаатлар, императивлар, ундов сўзлар, ҳақоратомуз лексика, ҳис-ҳаяжонли бирикмалар) аёллар ва эркаклар нутқида қўлланилишининг ўртача частотасини аниқлаш орқали гендер ролларининг маиший мулоқот иштирокчиларининг эмоционал ҳолатини белгиловчи биодетерминистик ва социодетерминистик мақоми исботланган;



эркак ва аёл нутқи орасидаги гендер фарқларнинг йўқолиб бориши ҳамда маскулинлик ва фемининлик хусусиятларининг шахснинг айрим касбий фаолиятида моҳиятан гендер белгилари бўйича фарқланмаслиги тилда мавжуд бўлган андроцентризм омилининг жамият вакилларига нисбатан иерархик муносабатларига, шунингдек қиёсланаётган тилларда род категориясининг грамматик ва лексик семантик аспектларда турлича намоён бўлишига асосланиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

гендер лексикаси лингвостатистик характеристикаси инглиз, рус ва ўзбек тилларида эркак ва аёл нутқи материаллари асосида қиёсий тадқиқ этилган;

гендер лексикаси ўзига хосликларини илмий-таҳлилий ўрганишда статистик усулларни қўллаш бўйича энг долзарб вазифалар сирасига инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги эркак ва аёл нутқи услубининг миллий-маданий ўзига хослиги, унинг маданий воқеланиши, тилдаги гендер манифестациясини аниқлаш мақсадида таҳлил қилиш механизмлари аниқланган;

инглиз тилида гендер белгини ўрганиш ва таҳлил қилиш замонавий инглиз тилида гапирувчи жамиятда эркак ва аёлнинг ролли вазифалари тасаввури тўғрисидаги лисоний ва нутқий ўзгаришларни фонетика, морфология, лексика ва синтаксис қатламида ўрганиш имконини берган;

лингвистика соҳасидаги замонавий гендер изланишларининг асосий назарий ҳолатлари аниқлаштирилган ҳамда тизимлаштирилган;

инглиз, рус ва ўзбек тилларида сўзлашувчи жамиятда эркак ва аёл нутқидаги гендер чегаралари бузилиши билан боғлиқ тарихий жараёнлар таҳлил қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган усуллар, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, илмий базаси, шунингдек, муаммолар қўйилиши, янги вазифаларни бажариш ва ўтказилган тадқиқот натижаларининг диссертация иши назарий қоидаларига мос келиши, ОАК томонидан диссертация асосий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган маҳаллий ва хорижий журналларда чоп этилган қатор илмий мақолалар, халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари мақолалари тўпламидаги тезислар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда келтирилган материаллар ҳамда хулосалардан тил назарияси, қиёсий тилшунослик соҳасида илмий изланишлар олиб бориш (монографиялар, диссертациялар, мақолалар ёзиш ва ҳ.к.) жараёнида фойдаланиш мумкинлиги, гендер лексикаси бўйича тадқиқотларни тил динамикаси ва тизимида ҳосил бўладиган умумий тил ҳодисаси сифатида нисбатан чуқур англашга, гендер лексикаси нутқ

фаолиятининг турли шаклларида қийсланаётган ёки бошқа тиллар материалида ишлатилиши жараёнини тавсифлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот материаллари ва хулосаларидан умумий тилшунослик, социолингвистика ва психолингвистика, лексикология, когнитив тилшунослик ва гендер тилшунослик курслари бўйича маърузалар ўқишда, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-методик қўлланмалар яратишда, бир ёки кўптилли гендер терминлари луғатларини тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гендер лексикасининг семантик ва лингвостатистик хусусиятларини қийсий тадқиқ этиш асосида:

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги гендерга оид лексиканинг семантик ва лингвостатистик хусусиятлари монолингвал ва лингвоконтрастив аспектда гендернинг сифат ва миқдорга оид хусусиятлардан Ўзбекистондаги British Council “Олий мактаб учун инглиз тили” лойиҳаси доирасида давлат бошқаруви йўналишидаги магистрлар учун ўқув дастури ва инглиз тили дарсликларини тайёрлашда фойдаланилган (Британия кенгашининг 2019 йил 4 октябрдаги ОС-1664-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим магистратура тизимида гендер лексика тилнинг бошқа лексик қатламлари сингари тил таркибида алоҳида ўринда эканлиги ўз тасдиғини топган;

гендерга хос бўлган нутқ демократлашувининг ҳажми ва хусусиятлари турлича бўлган инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги гендерга хос нутқнинг демократлашуви аёллар нутқининг ўз табиий гендер асосларини сақлаган ҳолда эркак нутқига яқинлашишига доир хулосалардан Тошкент давлат юридик университетининг бакалавриат йўналиши талабалари учун “Юристининг нутқ маданияти”, “Юристарлар учун ўзбек/рус тили” ва “Юристарлар учун инглиз тили” фанлари дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнларида кенг фойдаланилган (Тошкент давлат юридик университетининг 2020 йил 22 декабрдаги далолатномаси). Натижада, бакалавр йўналишидаги талабаларга тилдаги гендер масалаларига доир батафсил маълумот беришга эришилган;

тадқиқ этилаётган тилларда гендернинг нафақат лингвистик, балки миллий маданият, анъаналар, миллий менталитет, миллий социумнинг диний ҳамда эркаклар ва аёллар нутқий ва хулқий қарашлари нуқтаи назаридан тарихий ривожланиш хусусиятлари каби экстралингвистик омилларга боғлиқ бўлган ўзига хос хулосалардан Корея Республикасининг Ёнсе университети профессори Ким Пак Сук раҳбарлигида тайёрланган “Public Human Resource Management. At a Glance 2018” (Давлат бошқарувида инсон ресурслари. 2018 йил нигоҳида) амалий қўлланмасининг “Меҳнат тизимида гендер тенглиги” (Gender Equality Employment System) деб номланган 2-бобини ўзбек тилига таржима қилишда самарали фойдаланилган. Ушбу қўлланмадан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратураси ва бошқарув кадрларини тайёрлаш

курслари тингловчилари учун “Менежментнинг замонавий усуллари” ва “Инсон ресурсларини бошқариш” фанлари доирасида кенг фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2020 йил 14 декабрдаги 14/1049-сон далолатномаси). Натижада меҳнат тизими фаолияти гендер тенгликнинг ўрни ва таржима жараёнида инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги гендер лексика алоҳида аҳамият касб этиши аниқланган;

эркак ва аёл нутқи орасидаги фарқларнинг йўқолиб бориши маскулинлик ва фемининлик хусусиятлари шахснинг айрим касбий фаолиятида моҳиятан гендер белгилари бўйича фарқланмаслиги умумгендер нутқий ва профессионал фаолият шаклланишининг муҳим омили сифатида намоён бўлишига оид хулосалардан “Mahalla” телерадиоканали ДУК “Mahalla” радиосининг “Ижтимоий-ҳуқуқий дастурлар” муҳарририяти орқали (2020 йил 24 декабрь) эфирга узатилган “Мулоқот вақти” дастурини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг 2020 йил 29 декабрдаги 04-117-сон маълумотномаси). Натижада маскулинлик ва фемининлик бўйича асосий тушунчаларнинг касбий ва мулоқот жараёнидаги фарқланишлари илмий нуқтаи назардан асослашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 11 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар кўринишида баён этилган ҳамда муҳокамалардан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (5 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 163 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланган, вазифа ва мақсадлар, изланиш услублари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети, ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти аниқланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Гендер лингвистикаси: тарихи, йўналишлари, иборалар**” деб номланиб, унда гендер лингвистикасининг тил илмида янги йўналиш сифатидаги аҳамияти асосланади; гендер лексикаси ва терминологиясининг аниқланиш ва чегараланиш муаммоси кўриб чиқилади, шунингдек, А.А.Денисова таҳрири остидаги “Гендер атамалари луғати” таҳлил қилинади.

Гендер тилшунослиги ҳозирги кунда тил ҳақидаги фаннинг долзарб ва қизиқарли йўналиши ҳисобланади. Мазкур илмий соҳадаги изланишлар барча замонавий ёзма тиллар материалида олиб борилади, чунки ҳар бир тилда жамият тил ташувчилари – эркак ва аёл нутқ воситаларидан фойдаланишда умумий специфик жиҳатлар мавжуд. Бу специфик жиҳатлар, бир томондан, умуминсоний, иккинчи томондан, миллий тилли ҳисобланади. Айнан иккинчи жиҳат муайян тил ташувчиларининг эркак ва аёл нутқидаги гендер спецификасини белгилаб беради. Гендер тилшунослигининг моҳияти гендер нутқини яқин қариндош ва қариндош бўлмаган тил материалида монолингвал, солиштирма ҳамда қиёсий тадқиқ этиш ва тавсифлашдан иборат.

Робин Лакоффнинг “Тил ва аёлнинг ўрни”<sup>23</sup> номли ижтимоий-лингвистик тадқиқоти хорижий лингвистикада эркак ва аёл нутқи масалалари хулқий моделларининг ўзига хос тизими сифатида муҳокама қилиш учун сезиларли туртки берди. Бу асар ўзида дискурснинг лингвистик таҳлилини акс эттиради. Шу асосда муаллиф дунё манзараси тилнинг андроцентриклигига<sup>24</sup> асосланиб, аёлнинг тилда вужудга келадиган образини камситади, деган хулосага келади. Р.Лакоффнинг ғоялари кўплаб изланиш ва муҳокамаларга сабаб бўлди, аниқ амалий лингвистик вазифаларни белгилаш имкониятини яратди.

Ҳозирги вақтда тил илмида гендер лингвистикаси бўйича кўплаб материаллар чоп этилмоқда, чунки гендер терминологиясининг дифференциацияси ва туркумлашуви бугунги кунда қатор илмий йўналишларга, шу жумладан, тил илмига ҳам тааллуқли бўлган долзарб илмий вазифа ҳисобланади. Зеро, инсон ҳаёти, табиат ва бошқа унсурларга дахлдор бўлган ҳамма нарса — сўз билан, илмий атама билан расмийлаштирилади ва ифодаланади. Терминларнинг махсус соҳалар (илм йўналишлари) бўйича таснифланиши эса муайян тарихий босқичда фан даражасини, жамият тизими ривожини белгилаб беради<sup>25</sup>. Замонавий рус

<sup>23</sup> Lakoff, R. Language and Woman's Place. Language in Society. – Vol. 2. – No. 1 (Apr., 1973). pp. 45-80.

<sup>24</sup> Андроцентризм – теран маданий анъана, умуминсоний субъективликни ягона эркаклар меъёрига келтирувчи, универсал объективлик, шу билан бир вақтда, бошқа субъективликлар сифатида тақдим этиладиган, энг аввало, аёлларга хос, меъёрлардан чекиниш, маргиналия сифатида тақдим этиладиган субъективлик. Андроцентризм оламга эркак нуқтаи назаридан нигоҳ ташлаш эмас, балки эркаклар меъёрий тасавурлари ва ҳаётий моделларини ягона универсал ижтимоий меъёрлар ва ҳаётий моделлар сифатида тақдим этиш [Гендер атамалари луғати. Мухаррир: филол. ф.н. А.А. Денисова. – М.: Информация – XXI аср, 2002, 10-11-бетлар].

<sup>25</sup> Лейчик В.М. Системность терминологии и терминосистема // Лингвистические проблемы терминологии и научно-технический перевод. Ч.II. Выпуск 18-й. – Москва, 1990. – 63 с.

тилида гендер соҳасининг ўзининг терминологик туркумлашуви гендер муаммоларига бағишланган, бугунги кунда бунга лингвистика, сиёсатшунослик, социология, педагогика, психология, тиббиёт ва бошқа соҳаларда фаолият олиб бораётган мутахассислар учун гендер муаммоларини ўрганишда асос бўладиган илк терминологик луғат А.А.Денисова таҳрири остидаги “Гендер атамалари луғати” яратилиши билан эришилди. Бинобарин, мазкур луғатда термин мавқеида берилган, бироқ, бизнингча, термин бўлмаган ёки ҳали термин сифатида шаклланмаган сўз бирикмалари ҳам учрайди. Масалан, луғатнинг 200-бетида “**беваларнинг ўзини ёқиши**” сўз бирикмаси термин сифатида келтирилган. Аслида, бу ўзига қасд қилишни ифодалайдиган гендер спецификасига ҳавола қилинган “бўш” сўз мақоласидир.

Сўз мақолалари жами 378 тани ташкил қилади. Улардан 208 таси тўлиқ матнли сўз мақолалари (1-жадвалга қаранг), 170 таси бошқа сўз мақолаларига ҳавола қилинган “бўш” сўз мақолаларидир. Лингвостатистик таҳлил натижалари куйидагича:

- 1 ҳаволали “бўш” сўз мақолалари– 156 та;
- 2 ҳаволали “бўш” сўз мақолалари – 13 та;
- 3-4-5-6 ҳаволали “бўш” сўз мақолалари – 0;
- 7 ҳаволали “бўш” сўз мақолалари – 1 та.

Энг кўп – бир ҳаволали “бўш” сўз мақолалари (156 та) луғатдаги барча бўш сўз мақолаларининг 90,1%ини ташкил этади.

Бошқа моддаларга икки бор ҳавола қилинган сўз мақолалари (13 та) луғатдаги барча “бўш” сўз мақолаларининг 7,5 % ини ташкил этади.

Бир сўз мақоласи (аёлларга нисбатан дискриминация)да бошқа сўз мақолаларига 7 та ҳавола мавжуд. Жами икки ва етти бор бошқа сўз мақолаларига ҳавола қилинган сўз мақолалари 14 та бўлиб, барча “бўш” сўз мақолаларининг 8%ини ташкил этади (2-жадвалга қаранг).

#### 1-жадвал

#### “Гендер атамалари луғати”даги лингвостатистик хусусиятлар тўлиқ матнли ва “бўш” сўз мақолаларига нисбатан сон ва % ҳисобида

Жами сўз мақолалари	Тўлиқ матнли сўз мақолалари	Бошқа сўз мақолаларига ҳавола қилинган “бўш” сўз мақолалари			
		Жами	1 та ҳавола	2 та ҳавола	7 та ҳавола
378=100%	208=53,2%	170 = 48%	156=46,4 %	13	1
				0,037 %	

#### 2-жадвал

#### “Гендер атамалари луғати”даги лингвостатистик хусусиятлар “бўш” сўз мақолаларининг турларига нисбатан сон ва % ҳисобида

Жами сўз	1 ҳаволали “бўш”	2 ҳаволали “бўш”	7 ҳаволали “бўш”

мақолалари	сўз мақолалари	сўз мақолалари	сўз мақолалари
170=100%	156=90,1%	13=7,5%	1=0,5%

Шундай қилиб, луғатдаги мақолларнинг деярли ярми (156=46,4%) “бўш” сўз мақолалари, тўлиқ матнли луғатлар жами мақолларнинг ярмидан сал кўпроқ (208=53,2 %). Луғатда “бўш” сўз мақолаларининг кўплигини, бизнингча, гендер тилшунослигининг жадал шаклланиш босқичида эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунинг учун ҳам луғатда, аввалги – синонимик, атамалар ва тегишли сўз мақолаларига ёки кейинги – атаманинг мазмуни очиб берилган моддаларга ҳавола қилиниши керак бўлган “бўш” сўз мақолалари пайдо бўлишига асосий сабаб бўлган. Бу тил воситаларини тил ва нутқда, қолаверса, нутқ маҳсулотининг график тасвирланишида тежаш тамойилига амал қилинишини таъминлаган. Луғатда маънони, сўзни, атамани ифода этишнинг бундай усули турлича бўлса ҳам синоним ва бир-бирига яқин атамаларни тушунтиришда бир хил шаклларни бир неча бор такрорлаш заруратини йўққа чиқаради.

Хуллас, гендер ҳақидаги фаннинг рус тилида ривожланишига ҳақиқий воқеа сифатида намоён бўлган мазмуний белгилар – терминологик ва энциклопедик луғат белгилари билан хоссаланувчи “Гендер атамалари луғати”нинг дунёга келишига кучли туртки берди. Улар бир занжирга тизилган бўлиб, шу боис, луғат фойдаланувчига гендер тарихи, феминизм ҳақида, уларнинг Европа, Америка, Евроосиё (Россия) давлатларидаги замонавий аҳволи, ўрганилиш даражаси ва айни мавзудаги қатор долзарб муаммолар муҳокамаси хусусида кенг кўламли маълумот беради.

“Гендер атамалари луғати”нинг тузилиши шундан дарак берадики, “гендер лингвистикаси” тушунчаси ва атамаларини мукамал шаклланган деб бўлмайди, аксинча, гендер ҳақидаги фаннинг илмий йўналишлари назарияси шаклланиши учун асос қўйилган десак мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун муайян гендер муаммоларини ҳал этиш бугунги кунда муҳокамага сабаб бўлади, бошқача айтганда, очикчасига ҳал этилмаган, дейиш мумкин.

Тадқиқотнинг **“Инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги гендер лексикасининг семантик хусусиятлари”** номли иккинчи бобида инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги гендер лексикасининг семантик хоссалари, уларнинг миллий-маданий ўхшашлик ва фарқлари таҳлил қилинади.

Сўнгги икки ўн йилликда инглиз тилидаги изланишларда қадимги замонлардан бугунги кунгача бўлган даврда аёлнинг социумдаги ролига қизиқиш ҳам лингвистик даражада, ҳам экстралингвистик даражада гендер изланишлари олиб боришга ундади. Замонавий инглиз тилида тур, бизнингча, *he – он, she – она, it – оно* анафорик олмошлари орқали намоён бўладиган яширин тоифа ҳисобланади. Шунга қарамасдан, тилда грамматик тур бўлмас-да, жинснинг универсал тоифаси у ёки бу кўринишда ўзини

кўрсатади<sup>26</sup>. Анафорик олмошлар аёл/эркак турини англатади, уларсиз ва контекстсиз, жумладан, жониворлар (*wolf, cat, bear, deer* ва ҳ.к.)ни, шунингдек, бошқа жонлиларни ифодалайдиган от сўз туркумисиз қўлланилганда, гендер-нейтрал ҳисобланади. Масалан, *friend (dўст)* – гендер-нейтрал, *қиз ўртоқ/ўғил ўртоқ* эса гендер-ранг берилган, аёл/эркак турини кўрсатадиган компонент. “Гендероним” атамасини В.О.Лисицына ва Э.К. Арутюновлар ўз тадқиқотларида инглиз тилидаги гендер-нейтрал от сўз туркумларига нисбатан қўллайди. Гендеронимлар семантик гендер компонентидан таркиб топган бўлиб, яъни контекст ёрдамисиз от сўз туркумларининг аёл ёки эркакка тегишлилиги, натижада шахсинг эркак ёки аёллигини кўрсата олади<sup>27</sup>. Масалан, **businessman – businesswoman, king – queen, actor – actress, nun – monk** семантик жиҳатдан уларни гендеронимлар сифатида белгилайдиган гендер компонентидан иборат. Инглиз тилидаги фемининлик компонентига эга аксарият гендеронимлар эркак турига дахлдор тегишли от сўз туркумларига суффикс қўшилишидан ҳосил бўлган **-ess: author – authoress, shepherd – shepherdess, duke – duchess, actor – actress, host – hostess, poet – poetess, lion – lioness, tiger – tigress, steward – stewardess**.

Рус тилидаги гендер хусусиятлари тўғрисида гап кетганда, уларнинг психологик ва ижтимоий фарқлари, нутқ даражасида муайян сўзлар (атамалар, иборалар, эмоционал белгилар)ни танлашга таъсир кўрсатадиган хулқий омиллар ҳақида сўз юритиш ўринли. Масалан, рус тилида аёлларга тааллуқли атоқли отлар касб-хунарни билдирганда, одатда, андроцентрик, яъни эркакларга тааллуқли сўздан келиб чиқади, аксинча бўлмайди: кассир – кассирша, доктор – докторша, поэт – поэтесса, портной – портниха. Грамматика қоидалари билан сиқилмаган рус сўзлашув тилида аёлни аёл туридаги сўзлар – феминитивлар, масалан, нахалка, толстушка, хохотушка, трусиха, проказница, бездельница, скандалистка, ленивица, рокерша, рэперша сингари сўзлар билан ифодалаш осонроқ. Бинобарин, касб-хунарни ифодалайдиган феминитивлар, масалан, посудомойка, консьержка, сиделка, санитарка, акушерка, официантка, домработница, продавщица, уборщица, библиотекарьша, секретарша каби сўзлар мавжудлигига қарамасдан, улар, қоидага кўра, ижтимоий жиҳатдан юқори нуфузга эга бўлмаган касбларни билдиради. Барқарор, самарали сўз ясовчи моделлар йўқлиги ёки самарали моделларнинг ишламаслиги инсоннинг касб номинацияси соҳасидаги аёллик шаклини тузишга тўсқинлик қилади: **журналист – журналистка** сўз яшаш меъёри ҳисобланади, аммо **окулист – окулистка** жуфтлигини ҳазм қилиш қийин, иккинчи сўз яхши янграмайди, уни меъерий тарзда қабул қилиб бўлмайди. Шунингдек, **водитель, хирург, эколог** ёки **скотовод** сўзларидан ҳам аёлларга тааллуқли жуфт сўз яшаш жуда қийин; бунинг учун тилнинг

<sup>26</sup> Скачкова И.И. Гендерная проблематика в зарубежном теоретическом языкознании: к истории вопроса // Теория и методология гендерных исследований. – Вестник ТГЭУ, № 4, 2009. – С.129-130.

<sup>27</sup> Лисицына В.О., Арутюнов Э.К. Гендерный фактор в языке (на материале неологизмов английского языка экономической сферы) // Историческая и социально-образовательная мысль, 2013, № 6 (22). – С. 180 - 183.

кўшимча лексик ресурсларига мурожаат қилишга тўғри келади: женщина-окулист, женщина-хирург ва ҳ.к.<sup>28</sup>. Албатта, бир қатор касблар борки, уларга тегишли номлар-феминитивлар стилистик жиҳатдан камситилган ёки “паст мавқели” деб бўлмайди. Масалан, гувернантка, артистка, балерина, гимнастка, актриса, певица, танцовщица, виолончелистка, пианистка. Улар аёллар томонидан анча аввал эгалланган ва оғир жисмоний меҳнат ҳисобланмайдиган касбларни ифодалайди. Бироқ режиссёр, депутат, оператор, сценарист, снайпер каби сўзларга мос кодланган феминитивлар, гарчи аёллар аввал кўпроқ эркакларга хос бўлган касбларни анча фаол ўзлаштирган бўлсалар-да, мавжуд эмас. Шундай қилиб, тил ижтимоий маънода меҳнат бозоридаги гендер фарқларини акс эттиради: престижность (нуфуз) – непрестижность (паст нуфуз), традиционность (анъанавийлик), возможности карьерного роста (лавозим пиллапояларидан кўтарилиш имконияти). Рус тилида гендер белгилари, гендер семантикасини аниқловчи омиллар ҳам тилга оид (тур тоифаси бўйича мослашув), ҳам экстралингвистик (ижтимоий, психологик, диний ва ҳ.к.) бўлиши мумкин.

Ўзбек тили гендер лексикасининг семантик хусусиятлари тил (тахлилийлик, агглютинатливллик), қолаверса, экстралингвистик (тарихий омил, диний доминант) омиллар натижасида келиб чиқади. Кўплаб мусулмон маданиятида бўлгани каби аёлнинг ижтимоий роли эркакнинг ижтимоий ролига нисбатан доимо сезиларли даражада паст бўлган; диний ақидалар аёлларнинг мажбурият ва ҳуқуқларини қатъий чегаралаб қўйган эди. Бу ҳолат нутқ амалиёти ва хулқида акс этмаслиги мумкин эмас эди. Бугунги кунда ўзбек жамиятидаги гендер фарқлари нафақат лингвистика, балки ижтимоий, психологик, сиёсий, тижорий даражада ҳам ўрганишнинг долзарб тенденциялари ҳисобланади. Ўзбек тили, ўз табиатига кўра, андроцентрик. Унда, худди инглиз тилида бўлганидек, касб-ҳунарни англатадиган лексем-феминитивлар нисбатан кам. Масалан, **ўқитувчи** (учитель), **доктор (врач)**, **ғазначи** (кассир), **талаба** (студент), **амалдор** (чиновник), **сотувчи** (продавец) лексемалари эркак ва аёл жинси учун бирдек қўлланилаверилади. Бу тарихий факт билан боғлиқ, яъни аёл жинсли шахсларнинг ижтимоийлашуви ХХ асрнинг 20-йилларидан бошланган. Тил ўлчамлари билан қараганда бу анча кичик давр, шунинг учун ҳали жинсий тегишлилик бўйича профессионал номинациялар дифференциацияси вариантларининг пайдо бўлиши учун етарли вақт (давр) ўтгани йўқ. Бундай мисоллар бор, лекин анча кам: **муаллим – муаллима**. Инглиз, рус ва ўзбек тилларида аёл ва эркак жинсига тегишлилик фарқланади. Масалан, тахлилий ўзбек тилида, инглиз тилидан фарқли ўлароқ, аёллар жуфтлиги доктор, консул, журналист сингари ўзлаштира сўзлар билан ҳам кузатилмайди. Бу, энг аввало, аёл – ўзбек тили ташувчисининг ижтимоий ҳаётга кириб келиши ва эркакларга хос касб билан шуғулланиши, инглиз ва рус тилларида сўзлашувчи аёллардан фарқли ўлароқ, нисбатан яқинда бошланган. Бу борада, ўзбек тилидаги “**хамшира**”

<sup>28</sup> Страусов В.Н. Категория андроцентризма в лингвистике // Университетские чтения – 2009, Пятигорск, 2009. – Ч.Ш. – С.49-56.



атамаси қизиқ мисол бўла олади. Инглиз тили ҳамда рус тилида сўзлашадиган жамиятларда мазкур касб ҳар икки жинс вакиллари томонидан ўзлаштирилган, бунга “*femalenurse – malenurse*”, “*медсестра – медбрат*” жуфтликлари мавжудлиги гувоҳлик беради, ўзбек тилида сўзлашадиган жамиятда эса “*ҳамшира*” от сўз туркуми гапирувчи онгида мутлақо аёлга, аёл касбига, фақат аёл учун мўлжалланган ишга тааллуқли бўлади, чунки ижтимоий даражада ҳамшира касби ўзбек тилида фақат аёл билан чамбарчас боғлиқ, унга аёл семантикасига тегишли – **ҳамшира** гендероними мос келади. Ўзбек тилидаги ижтимоий ёки номенклатурали маънога эга аёллар гендеронимлари инглиз ёки рус тилларидан фарқли ўлароқ нисбатан анча кам.

Шундай қилиб, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги гендер белгилари, гендер семантикасини билдирувчи омиллар соф тилга хос, шу билан бирга, экстралингвистик бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар нутқда нафақат лексик, балки орфоэпик, морфологик, синтаксик даражада намоён бўлиши мумкин. Гендер лексикасини ижтимоий-лингвистик, лингвистик, маданий-тарихий нуқтаи назарлари орқали қиёсий таҳлил қилиш турли тизимларга хос бўлган инглиз, рус ва ўзбек тилларининг умумий туташ нуқталарини аниқлаш имконини беради. Мазкур туташ нуқталар, биринчидан, инглиз, рус ва ўзбек тилларида бизни ўраб турган оламни номлаш тарихий жараёни давомида шаклланган ўта қадимий гендер лексикаси пласти мавжудлиги ва унинг қадимги инсонлар онгидаги жинс белгилари бўйича дифференциацияси билан белгиланади. Бундай лексик пластлар сирасига, биринчи навбатда, “Қариндошлик алоқалари” семантик гуруҳи киради. Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, лексем ясаш услублари турлича бўлишига қарамасдан, ушбу тилларнинг ҳар бирида эркак ва аёл жинсини англатувчи камёб лексемалар учрайди: таҳлилий инглиз ва ўзбек тилларида гендеронимлар – фақат аёл ёки фақат эркак билан боғлиқ маъно берувчи сўзлар бор. Қариндошлик алоқалари қанчалик яқин бўлса, уни англатувчи сўз шунчалик ноёб. Инглиз ва ўзбек тилларида, рус тилидан фарқли ўлароқ, тур тоифаси яширин бўлади. Контекстдан ташқари, гендер белгиларисиз кўплаб от сўз туркумлари эркак турига тааллуқли бўлади ёки гендер-нейтрал сифатида қабул қилиниши мумкин. Фақат уларнинг нутқнинг бошқа бўлақлари билан бирикиши ёки контекстуал муҳит гендер коннотациясини аниқлаштириш имконини беради. Рус тилидаги “Касбий ҳолатлар” семантик гуруҳи таркибидаги аёл турига хос кўплаб от сўз туркумлари эркак турига тааллуқли отлардан тузилган, таҳлил қилинаётган инглиз ва ўзбек тилларида эса эркак ёки аёлларнинг касбини ифодалаш учун бир хил, яъни ўз табиатига кўра, “эркак” сўз туркумлари жинс тоифасини белгиловчи лексем ёки шахс номини қўшиш орқали қўлланилади.

Диссертациянинг учинчи – “**Инглиз, рус, ўзбек тиллари гендер лексикасининг лингвостатик хусусиятлари**” боби да ушбу тиллардаги беш хил лексикага хос лингвостатика ва лингвостатистик хусусиятларнинг умумий тушунчаси ҳамда йўналишлари кўриб чиқилади.

Лингвистик статистикани икки хил аспектда кўриб чиқиш мумкин: тил илмида статистик услублар қўлланиши соҳаси сифатида; лингвистик шакллар ва уларнинг қўлланиш частотавийлигининг тизимли хусусиятлари йиғиндисини ўрганувчи фан йўналиши сифатида. Масалан, тадқиқ этилаётган тиллар бирликлари хусусиятларидан келиб чиқиб, фонологик, морфологик, лексик, стилистик, типологик статистика бир-биридан фарқланади, бу йўналишларда “тил шакли частотаси” тушунчасидан фойдаланиш унинг қўлланиш ўлчамлари билан ўзаро боғлиқ. Лингвостатистиканинг тилни ўрганиш билан боғлиқ амалий вазифаларни ҳал этишга ихтисослашган йўналишлари орасида қуйидаги фундаментал йўналишларни келтириш мумкин: компьютер лингвистикаси, матнни тақдим этишнинг гиперматнли технологиялари, корпусли лингвистика, компьютер таржимаси, ахборот-қидирув тизимлари назарияси ва амалиёти, лексикография ва частотавий луғатлар тузиш, лингвистик экспертиза ва ҳ.к.

Лингвистик гендерология соҳасида лингвостатистик усулларнинг қўлланилиши ҳар хил тизимли, масалан, герман (инглиз), славян (рус), турк (ўзбек) тилларини қиёслаш орқали гендер тизими ва гендер стереотиплари ҳақида янги билимларни очиш, шунингдек, уларнинг эркак ва аёл нутқида ҳосил бўлиш хусусиятлари ва/ёки частотавийлигини аниқлаш имконини беради. “Эркаклик” ва “аёллик” тоифаларини ўрганувчи лингвистик гендерология гендер лексикасини статистик таҳлил қилиш асосида лингвокультурология учун қимматли материаллар тўплаш таъминланади. Шунинг учун гендер лексикасининг ўзига хосликларини ўрганиш давомида статистик услубларни қўллаш билан боғлиқ долзарб вазифалардан бири инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги эркак ва аёл нутқи усулининг миллий-маданий спецификасини аниқлаш, унинг маданий репрезентацияси механизмларини, тилни ундаги гендер манифестациясини аниқлаш мақсадида таҳлил қилиш ҳисобланади. Индивидларнинг нутқий хулқини у ёки бу жинсга дахлдорлиги билан боғлиқ ҳолда ўрганиш учун эркак ва аёлнинг инглиз, рус ва ўзбек тиллари истеъмолчилари нутқий хулқи ва стереотип онгида ўрнашган сифатлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун драматургия соҳасига оид замонавий бадиий матнлар танлаб олинди. Кундалик турмушга оид диалоглар (жонли нутқ)га бой пьесалар матнлари, асосан, умумхалқ тилининг бор бойлигини акс эттиради, маданиятда дахлдор эркаклар ва аёллар ҳақида маданий ва ижтимоий асосланган тасаввурларни бера олади, чунки маиший дискурс, энг аввало, диалогга йўналтирилган, мулоқот иштирокчилари ўртасидаги муносабатни очиб берадиган кундалик ҳаёт муаммоларини акс эттиради; дискурсда қисқартма-эркалама сўзлар, императивлар, бўлақлар ва ундов сўзлар, жаргон сўзлар ва ифодалар частотавий, салбий коннотацияга оид лексика қўлланилиши мумкин<sup>29</sup>. Шунинг учун ҳам биз инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги замонавий пьесалар

---

<sup>29</sup> Чабаненко М.Г.Бытовой дискурс как экспликатив коллективной языковой личности молодежной коммуникации // Вестник КемГУ. – 2012. – № 4 (52) Т. 4. – С.201-205.

орасидан, тахминан, 3 актли, ўртача 3000 тадан 3100 тагача сўздан иборат ҳажмли сўз қўлланмалари (диалоглар)ни танлаб олдик. Танлаш давомида диалогларда ёшидан қатъи назар, ҳар икки жинс вакиллари иштирок этиши ҳисобга олинди. Сўнгра беш турдаги лексик бирликлар; қисқартма-эркалама сўзлар ва мурожаатлар, мажбурий шаклдаги феъллар, бўлак ва ундов сўз (междометий)лар (жумладан, диққатни жалб этадиган воситалар – фативлар, модал бўлаклар, ҳезитациялар ва ҳ.к.), шунингдек, стилистик жиҳатдан қисқартирилган лексика ва/ёки ҳақоратомуз лексика ва эмоционал-баҳоловчи бирикмалар ҳисоблаб чиқилади. Лексика турларини ҳисоблаш мутлақ сон ва фоизларда олиб борилди, ҳар бир матннинг умумий ҳажми 100%, деб қабул қилинди. Матннинг умумий ҳажмидан ҳар бир турдаги лексик бирликнинг умумий сони ажратилди, бу ҳам 100% ҳисобида, фақат фойдаланилаётган матндаги лексиканинг муайян гуруҳи кўрсаткичи сифатида қабул қилинди. Шундан келиб чиқиб, эркалар ва аёллар нутқидаги лексиканинг мазкур турлари қўлланилишининг фоиз нисбатлари Б.Н. Головин томонидан тил ҳодисаларини статистик ўрганиш учун тақдим қилинган ўртача частота формуласи бўйича ҳисоблаб чиқилди:

$$\bar{x} = \frac{\sum x}{k}$$

Бу ерда: да  $\bar{x}$  – ўртача частота,  $\Sigma$  – йиғинди белгиси,  $x_i$  – мазкур ҳодисанинг ҳар қандай танланган частотаси белгиси,  $k$  – танловлар (кузатувлар) сони<sup>30</sup>.

Инглиз, рус ва ўзбек тиллари материалидаги беш хил лексиканинг ҳисоблаб чиқилган ўртача частотасига асосан, биз нутқнинг долзарб аспекти – маиший диалог иштирокчиларининг эмоционал ҳолатини ифодалашда гендер роллари тақсимотини ажратиб олдик. Беш хил лексиканинг ўртача частотаси нисбатларини якуний таққослаш шуни кўрсатадики, аёллар нутқида қисқартма-эркалама сўзлар ва ибораларни эркаларга нисбатан кўпроқ ишлатишлари ҳақидаги фаразлар сифат жиҳатидан тасдиқланиш тенденциясига эга (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги беш хил лексиканинг ўртача частоталари нисбати

Нутқ	Қисқ.- эрк.сўзлар ёки мурожаатлар			Мажбурий шаклдаги феъллар (императивлар)			Бўлақлар ва ундов сўзлар			Стилистик жиҳатдан қисқартирилган ва ҳақоратомуз лексика			Ҳис-ҳаяжонли- баҳоловчи бирикмалар		
	инг	рус	ўзб	инг	рус	ўзб	инг	рус	ўзб	инг	рус	ўзб	инг	рус	ўзб
Аёл нутқи	55,8 %	84,3 %	53,8 %	75 %	59,8 %	48,3 %	48,3 %	59, 8%	50,8 %	61,3 %	68 %	100 %	49,6 %	44,6 %	51 %

<sup>30</sup> Головин Б.Н. Язык и статистика. – М.: Просвещение, 1971. – 22 - 23 с.

Эркак нутқи	44,2 %	15,7 %	48,7 %	25 %	40,4 %	51,8 %	51,7 %	42,3 %	49,2 %	38,7 %	32 %	0%	50,4 %	35,4 %	49 %
